

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

104 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва унинг шуъба тузилмалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва унинг шуъба тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек қонунчилик нормалари бир хил қўлланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 3 март,
44-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 3 мартдаги 44-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 январдаги 45-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Устави 25-бандининг ўн еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Банкнинг филиаллари, ваколатхоналари, хўжалик жамиятлари ва унитар корхоналарини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда уларнинг низомларини ва уставларини тасдиқлайди».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар кириштириш тўғрисида» 2013 йил 23 январдаги 15-сон қарори 2-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига, шунингдек унинг хўжалик жамиятлари ва унитар корхоналарига қуйидагилар:».